




ТОШКЕНТ ОҚШОМ



ШАХАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСII ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июндан чиқа бошлаган ◆ № 96 (9.440) 2000 йил 14 август, душанба ◆ Сотувда эркин нархда



ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ



«Тошкент оқишом» газетасининг **Ўзбекистон Мустақиллигининг 9 йиллигига бағишланган сўрономасига** пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 273-лицей-мактаб директори, **Ўзбекистон Кахрамони Мавлуда ИСМАТОВА** жавоб беради.

1. Мустақил Ўзбекистонимизда истиқлол йиллари рўй берган ўзгаришларнинг энг муҳимлари сизнингча нималарда намоён бўлмоқда?

— Ҳаммамиз истиқлолимиз тантанасининг 9 йиллигини нишонлаш арафасида. Мен мустақил Ўзбекистонимизнинг истиқлол йилларида рўй берган сиёсий, иқтисодий, маданий ўзгаришларга қараб тўқилганиб кетаман. Ахир, мустақиллик ҳар бир давлатнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиши, бирорнинг таъқиқи остида бўлмаслигини англатади. Ҳа, мустақил республикамиз ўз Президентини бошчилигида халқ ҳокимиёти ва қонун чиқарувчи органларига эга бўлди.

Президентимизнинг саяё-ҳаракатлари туфайли, халқимизнинг бир ёқадан бош чиқариши Ўзбекистонни ўзига беқлигини, ўз эрки ўз қўлида эканлигини жаҳонга танитди. Хукуматимиз томонидан юритилаётган оқилона ички ва ташқи сиёсат Ўзбекистонни дунё миқёсида тенг ҳуқуқли давлат сифатида жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинганга ва шу давлатлар қаторига киришига олиб келди.

Мен ўзбек аёлиман. Қўлимда Ўзбекистон паспорти. Ҳар қандай давлатда эркин ҳолда юраман, чунки мен Ўзбекистон давлатининг ҳимоясидаман.

2. Истиқлолнинг дастлабки йиллари, қолаверса ўтиш даврининг ўзига хос мураккабликлари айна пайтада янги ҳаёт, озоод жамият қуришининг завқ-шавқи бор. Шу ҳақда нималар дея оласиз?

— Тенглар орасида тенглик сиёсати Ўзбекистоннинг оубрусини нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки жаҳон миқёсида оширди. Хукуматимизнинг олиб бораётган оқилона иқтисодий сиёсати туфайли республикамизнинг саноати ривожланган давлатлар қаторига кириб бораётгани мустақиллигимиздаги энг муҳим ўзгаришлардан биридир.

Истиқлол йилларида маданиятимиз, илм, фан, маънавий ва маърифий соҳада бўлаётган ўзгаришлар ҳар бир кишини ўзига жалб қилади. Ёшларга бўлаётган эътибор, келажак ўзбек ўғил-қизларининг тақдир ҳақида қайғуриш ва бу асосда олиб борилаётган амалий ишларнинг барчаси мустақиллигимиз шарофатидан. Фарзандларимизнинг хориз давлатларига бориб таълим олишлари ва бу асосда ташкил этилаётган жамғармалар ёки халқ таълими соҳасида рўй бераётган туб бурилишлар, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Миллий дастурнинг қабул қилиниши, таълим стандартлари, умуман таълимнинг ислоҳ қилиниши, буларнинг барчаси жамият қурилишининг асосий пойдеворидир. Истиқлол йилларида тилимизга давлат мактабининг берилиши, миллий урф-одатларимиз, миллий қадрият ва анъаналаримизнинг қайта тикланиши миллий маданиятимизни ривожлантирди.

Ахир маданият бу миллат мавжудлигини белгиловчи асосий шартлардан бири. Агар маданиятини ва тилини йўқотса, бу миллат йўқолади, деган гап. Маданиятимизни ривожлантириш соҳасида хукуматимизнинг чиқарган қарорлари бугунги кунда изчил амалга ошаётгани билан қувонаман. Халқимизда ажойиб бир нақл бор. «Ойнинг ўн беши қоронгу бўлса, ўн беши ёруғ». Ҳаёт машаққатини кўрмаган инсон ҳаётнинг лаззатли қунларининг қадрига этмайди. Ҳаёт қонуни ҳам шундай. Заҳмат чекомагунча роҳатга эришиб бўлмайди.

3. Мустақиллигимизнинг тўққиз йиллиги айёмига жамоангиз, шахсан ўзингиз қандай натижалар билан борясизлар? Келгуси режаларингиз.

— Мустақил жамиятимизнинг бундай ривожланиши зинапоядан юқорига кўтарилаётган инсонга ўхшатиш келади. Ҳар бир зинапоёга қадам ташлаганимиз тараққиёт пиллапояларидан халқимиз ишонч билан юқори кўтарилаётганини қалбим ҳис

ИСТИҚЛОЛИМ — ФАХРИМ, ШАРАФИМ!



«Тошкент оқишом» сўрономаси

этаман. Эришилаётган ютуқлар халқимизнинг ютуқларидир деб биламан ва бунда оз бўлсада улушнинг борлиги билан фахрланаман.

Мен устоз — педагогман. Юртимизда бўлаётган ўзгаришлар мени ниҳоятда қувонтиради. Шу юртининг эъзозли аёли бўлганимдан фахрланаман. Таълим-тарбия соҳасида эришаётган ютуқларимиз, ёшларга кўрсатилаётган меҳр-муҳаббат мени ниҳоятда қувонтиради. Айниқса, бу йилнинг Президентимиз томонидан Соғлом авлод йили деб номланиши, фарзандларимизга бўлган чексиз ғамхўрлик ва эътибордан бошимиз осмонга етмоқда. Ҳеч қачон ухлаб ҳаёлига қирмаган ўғил бугунги кунда ҳаммамиз диққатини ўзига тортмоқда. Ҳа, бугун ўзбек ўғлонлари, қизлари хоризда тахсил олмақдалар, «ўзбек кураши» номи билан спортимизни жаҳонга танитмоқдалар. Юртбошимизнинг доно фикрлари улари келажакка етакламоқда. Шаҳар кўрмига кўк қўшаётган янги-янги қурилышлар, юртимиздаги маънавий ўзгаришлар, маданий юксалишлар, қад кўтарайотган лицей ва коллежлар ўзбек халқининг ўзига беқлигини изоҳламоқда деб биламан.

Дано Юртбошимизнинг саяё-ҳаракатлари туфайли юртимизда ижтимоий ҳимояга кенг ўрин берилган. Уқитувчилар ва мураббийларга беқис ғамхўрлик, пенсионер ва боқувчисиз оналар, етим болаларга муруват ва саховат ўзгача йўлга қўйилгани, бу соҳада бирор давлат Ўзбекистондек ўз ўрнига эга бўла олмайд.

Мен Истиқлолимизнинг 9 йиллиги байрами арафасида халқимизни кутлуг айём билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Юртимиз тинч, элимиз фаровон бўлишини чин дилдан ният қиламан.

Футбол

жамғармасининг совғалари топирилди. Эндиликда маҳаллалар ўш футболчилари ўртасида «Олтин куз» мусобақаларини ўтказиш режалаштирилмоқда.

«ПАХТАКОР» — ҲАМИША ҲУЖУМКОР

Утган жума кунини «Пахтакор» стадионида «Пахтакор» ва ЦСКА жамоалари фарғийлари ўртасида «Пахтакор-79» хотирасига бағишланган фарғийлар ўртасидаги 1 халқаро турнирнинг ҳал қилувчи учрашуви бўлиб ўтди. Уйинда фақат галаба қозонсагина турнир голиби бўлишни ҳис этган кучли таркибда тушган фарғийларимиз биринчи дақиқаларданок ҳужумга ўтишди. Ушбу саяё-ҳаракатлар Хорен Оганесяннинг аниқ зарбаси билан яқунланди — 1:0. Александр Бубнов жавоб тўпини киритган биринчи бўлим дуранг натижа билан туғди. Иккинчи бўлимда дастлаб Андрей Якубик ҳисобни оширди. Кейин эса яна Хорен Оганесян жуда чиройли зарба билан тўпини дарвоза устуни остига туширишга муваффақ бўлди. Нуриддин Амриевнинг тўртинчи тўпига эса Виктор Колядко икки гол билан жавоб қайтарди — 4:3.

«Пахтакор» голиб сифатида биллур кубок билан тақдирланди. Украина терма жамоаси иккинчи бўлди. Барча голиб ва совриндорлар, энг яхши ўйинчилар мусобақа хомийлари томонидан ажратилган қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Сўнг «Пахтакор-79» республика финал мусобақасининг ҳал қилувчи бақсида майдонга «Пахтакор» ва «Нефтчи» (Фарғона) жамоалари тушишди. Ушбу ўйинда ҳам беллашув тақдирини иккинчи бўлимда ҳал бўлди. М. Ахмеров, А. Писарев, Е. Еремеевлар киритган уч тўпга фарғоналик футболчилар фақат иккита гол билан жавоб бера олдлар. Фарғийлар галабасига ҳамоанг «Пахтакор»нинг асосий таркиби ҳам голиб сифатида махсус кубок билан тақдирланди.

ШАХАР ГОЛИБИ

Ниҳоят, икки ой давом этган, шахримизнинг 445 та маҳалласидан 600 га яқин жамоа қатнашган 11-14 ёшли болалар ўртасида «Биз — «Пахтакор» келажакимиз» шиори остида ўтказилган футбол мусобақасининг учинчи шахар босқичи мусобақалари ҳам ниҳоясига етди.

КЕЧА

«Пахтакор» стадионида ўтказилган ҳал қилувчи финал ўйинида Акмал Икромов туманининг «Оқ маҳит» ва Собир Раҳимов туманининг «Тешик қопқок» маҳаллалари жамоалари шахар голибини аниқлаш мақсадида майдонга тушишди. Ҳар иккала жамоани маҳалладошлари, футболчиларнинг ота-оналари галаба сари руҳлантириб, далда бериб туришди. Учрашувини 3:0 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилган «Оқ маҳит» жамоаси шахар мусобақаларида голиб бўлиш билан бир қаторда мустақиллик байрами арафасида ўтказилаётган республика кубогини да қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Шу кунини Чилонзор туманининг «Иброҳим Шарқ» жамоасини енгган Шайхонтоҳур туманининг «Гулобод» маҳалласи учинчи ўринни эгаллади. Турнир яқунланганидан сўнг голиб жамоага махсус кўчма биллур кубок топирилди. Шунингдек ҳар уччала голиб жамоага шахар ҳокимининг биринчи ўринбосарлари Атамжон Миржалолов ва Равшан Файзуллоев, шахар ҳокимининг ўринбосари Рихсатилла Акромовлар махсус совринлар, медаллари топириб, юксак галаба билан қутлашди. Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг раиси Шухрат Жалилов барча ўйинчиларга келгусидаги мусобақаларда омад тилади. Сўнг эса турнирнинг энг яхши ўйинчилари, мураббийлари, ҳакамлари, ташкилотчиларга Тошкент шахар «Маҳалла»

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАЊБАЛАРАН ОЛИНГАН СЎНГТИ ХАБАРАЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Оқсарой қароргоҳида Япониянинг «Иточу корпорейшн» компанияси бошқарув раиси Минору Муруфوشيни қабул қилди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига кўра Рисбой Жўраев Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири этиб тайинланди ва Жўра Йўлдошев бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири вазифасидан озод қилинди.

◆ Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида тақлифлар тайёрлаш комиссиясининг ўтказилган навбатдаги мажлисида янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

◆ Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди.

◆ Тошкентда модели поабзаллар ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон — Австрия янги қўшма корхонаси ташкил этилди.

◆ Бухорода Соғлом авлод йилига бағишлаб халқ амалий санъати ёш усталарининг кўргазмаси ўтказилди.

◆ Утган жума кунини пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида қурувчиларнинг аънавий касб байрамига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

◆ Утган шанба кунини мамлакат чегара қўшинлари аскар қўшиқларининг биринчи фестивали тақлиф этилди.

◆ Наманганда яна бир халқаро турнирга старт берилди. Бу гал Марказий Осиё мамлакатлари ва республикамизнинг кучли боксчилари ҳокимлик кубоги учун ўзаро бақшлашадилар.

ЖАҲОНДА

◆ Бугун Фаластин мухториятининг раҳбари Ёсир Арофат Пекинда Хитой Халқ Республикасининг Раиси Цзянь Цзэмин билан учрашди.

◆ Москвининг Пушкин майдонига содир этилган террорчилик ҳаракати оқибатида ҳаётдан қўз юмганларнинг сони 11 кишига етди. Олинган жароҳат туфайли яна 3 киши касалхонада вафот этди.

◆ Россия, Мексика ва Норвегия шу йилнинг 26-28 сентябрида Венесуэла пойтахтида ўтказилаётган Нефть экспортлари ташкилоти саммитига тақлиф этилди.

◆ Шри-Ланканинг 84 ёшли Бош вазири Сиримаво Бандаранайке истеъфого чиқди. Бу билан у ўз кизи — Президент Чандрика Кумаратунгага вазирлар маҳкамаси таркибини ўзгартиришга тўла эркинлик яратди.

◆ Индонезия бош прокурори собиқ президент Сухартони коррупцияда айблади. Гап қонқуний ўзлаштирилган тахминан 155 миллион долларлик маблағ ҳақида кетмоқда.

◆ Кеча Куба раҳбари Фидель Кастро ўзининг 74 ёшини нишонлади. У ўзининг таваллуд топган кунини табибиёт институти талабаларини ҳузурда сўзга қилди.

◆ Кеча Шотландия пойтахтида эллик учинчи марта аънавий халқаро мусикали фестивал очилди.

◆ Бугун Покистонда мустақиллик кунини байрам қилинмоқда.

◆ Жанубий Корея оммавий ахборот воситаларининг вакиллари сўнги эллик йил мобайнида биринчи марта Пхеньянг таширғи бурждилар.

◆ АҚШ Қишлоқ ҳўжалиғи вазири Россияга 28,5 минг тонна миқдорда арпа уни, гурч, қорабўғдой ёрмаси ва ўсимлик мойини хайрия қилишни билдирди.

◆ Кобулда Толибонлар ҳукуматининг фарғийиши билан эркакларнинг барча жамоат ҳаммомлари ёпилди.

◆ Саудия Арабистонда гиёвандлик моддасини олиб ўтишга уринган Тавландининг икки фуқароси қатл этилди.

◆ Нью-Йоркдаги Жаҳон савдо маркази биносидаги тез ҳаракатланадиган лифтда рўй берган авария оқибатида саккиз киши шикастланди.

◆ Америкалик эстрада юлдузи Мадонна ўғил қўрди. Она ва чақалоқ ўларини яхши ҳис этишмоқда.

◆ Икки қўлда юрүвичи одам борлиғи ҳақида ҳеч эшитганимиз? АҚШнинг Жоржия штатида яшовчи Оскар Бердди нафақат икки қўлда, ҳатто бош ва кўраеткич бармоқларига таяниб юриш қобилиятига эга.

◆ Америкалик кўзи охиж Жоан Фелпс 54 ёшида донг таратди. У 29 ёшидаги эғизак ўғиллари билан арқон ёрдамида Аляска тоғининг 6 минг метрлик чўққисини забт этди.

Тинчлик — энг улүг неъмат

ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Кейинги пайтларда Сурхондарё вилоятининг Сароисиё ва Узун туманларида Тожикистон ҳудудидан кириб келган террорчи гуруҳларнинг қўпурувчилик ҳаракатларини амалга оширишга уришилари, Москва марказидаги Пушкин майдонига олиб чиқувчи ер ости йўлида рўй берган кучли портлашлар халқаро террорчилик, экстремистик қўчлардан доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишимизни, ўз уйимизни ўзимиз асрашга интилишимиз лозимлигини тақозо этади.

Утган жума кунини шахримиздаги Санъат саройида туманлар ҳокимлари ва ўринбосарлари, маҳаллалар кенгашларининг раислари, маҳалла посбонларининг сардорлари, профилактика нозирлари, йўл ҳаракати хавфсизлиғи назорати, йўл-патруль хизмати ходимлари иштирокида ўтган йиғилишда ҳам ҳозирги кундаги Республика миқёсидаги вазият, хушёрликни сақлаш борасида турли тизимлар олдидан турган вазифалар хусусида сўз борди. Анжуманни Тошкент шахар ҳокими Қозим Тўлаганов олиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири Зокиржон Алматов сўзга чиқиб, Сурхондарё вилоятидаги вазиятни очиқ-ойдин таҳлил қилди. У жумладан ўтиш қийин бўлган тоғлиқ жойларда жойлашган террорчилар гуруҳининг асосий қисми йўқ қилинганлигини таъкидлаб тез орада улар батамом яқсон этилаётганини айтиб ўтди. Сўнг у шахар ва туман ҳокимликларида террорчиликнинг олдини олиш бўйича махсус штаблар ташкил этиш лозимлигини таъкидлади.

Тошкент шахар ва пойтахт вилояти миллий хавфсизлик хизмати бошлиғи Фаҳридин Турсунов бугунги кунда олдимизда турган вазифалар, кейинги пайтларда амалга оширилаётган тадбир натижалари ҳақида тўхтади. Маҳаллалар оқсоқоллари ва фаоллари ҳам шу кунини юракларидан қайнаб чиққан дил сўзларини айтишди. Хусусан, Юнусобод туманидаги Ҳасанбой мавзесидан Мурод Махсусов, Сирғали туманидаги «Қўшқўрғон» маҳалласи хотин-қизлар кенгашининг раиси Қундуз Йўлдошева, Ҳамза туманидаги «Маърифат» маҳалласи хотин-қизлар кенгашининг раиси Галина Крюкова, Акмал Икромов туманидаги Журжоний маҳалласи оқсоқоли Бахтинур Саидов ва бошқалар маҳаллаларда, кўп қаватли уйларда барча беқимли қатъий назорат қилиш лозимлиғига, ўзимизни ўзимиз ҳимоя қилишимиз, беқарорлик, лоқайдлик, сусткашлик каби иллатлардан воз кечиш, эътиборли, синчков ва хушёр бўлишга, аввало маҳалла, жамоатчилик, маҳалла посбони ва ҳар бир фуқаро маъсул эканлиғига эътиборни қаратдилар.

— Айниқса маҳаллаларда янгидан пайдо бўлган отинларнинг ёш аёлларини онгини заҳарлашга уринишларига ҳақ қўйишимиз керак, — деди жумладан Шайхонтоҳур туманилик Раҳима Шомансурова. — Уларнинг пуч, нотўғри ташвиқотларига зарба беришимиз учун бизлар ҳам диндан, Куръонни Каримдан яхши хабардор бўлишимиз, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишимиз керак. Ана шундагина улар ўз ортларидан мустақил юртимиз ёшларимизни эргаштира олмайдилар, сафлари қирқилиб, ўз-ўзидан барҳам топадилар.

Йиғилишда осоишталикни сақлаш, аҳолининг тинчлик-хотиржамлигини таъминлаш, мустақиллигимизни ҳеч қачон ҳеч кимга бермаслигимизга яқдил фикрлар билдирилди. (Ўз мухбиримиз).

ТОғНИ ТЕРРОРЧИЛАРАН ТОЗАЛАШ НИҲОЯСИГА ЕТМОҚДА

ЎЗУН. (ЎЗА махсус мухбирлари Мусулмон НАМЗОВ ва ЧОРИ ТўХТАЕВ хабар қилиди). Сурхондарё вилояти Сароисиё ва Узун туманларининг баланд тоғ дараларида жойлашиб олишга уринган халқаро террорчилар гуруҳларини туғатиш борасидаги операция яқунловчи босқичга кирди. Жангариларнинг қаршилиғига тўла барҳам берилмоқда. Республикамининг барча ҳарбий тузилмаларининг вакиллари билан оператив гуруҳ хилват унгурулар, горлар ва қуюқ зарраларда ашириниб олган кичик тўдалар ва яқна-ўлғиз террорчиларни топиш ва йўқ қилишга киришди. Террорчилар ўтиши мумкин бўлган барча сўқмоқлар ва доволлар назорат постлари орқали ҳамда қаводан мунтазам кузатиб турилибди.

Саперлар террорчилар миналаштирган жойларни «ажал уруғи»дан тозалашмоқда. Айни пайтда террорчиларнинг қолган-қутганларини аширинган жойлар ўққа тутилимоқда. Утказилаётган операциялар натижаларини ҳисобга олиб ишонч билан айтиш мумкинки, босқинчиларнинг талофати қундан қунга ошиб бормоқда. 11 август кунини жангариларнинг катта қуролроғ ва ўқ-дори омбори аскарларимиз томонидан кули кўкка соғурилди.

Шундай қилиб, ҳарбийларимиз вазиятни тўла назорат қилиб турибди. (ЎЗА).





Танловлар

«ХАМШИРА — 2000»

Пойтахтимизнинг мухташам «Туркистон» саройида шахримиз туманларидан голиб деб топилган хамшираларнинг Соғлом авлод йилига бағишланган «Хамшира — 2000» кўрик-танловининг Тошкент шаҳри бўйича якуний босқичи бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Эркин Эрназаров танловни очар экан оқ либосли, оқ кўнгил, ширинсўз, беморлар дардига хамиша малҳам бўлиб келаётган оқила ва доно хамшираларга омадлар тилади. Шундан сўнг иштирокчилар танловнинг бешта шартин буйича ўзаро беллашиб, ўзларининг билим ва маҳоратларини, ўз касбининг фидойиси эканликларини намойиш қилдилар. Ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг хулосасига кўра голиблик учун курашган хамширалар орасидан

лар муносиб деб топилдилар. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Абдурахимова голиб хамшираларни кўлаб биринчи ва иккинчи ўрин голибларига Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан рангли телевизор сова қилди. Учинчи ўрин со-



хиллари эса видеомагнитофонлар билан тақдирландилар. Биз танлов голибаси билан сўхбатлашдик. — Кўвончимнинг чеки йўқ, жуда бахтиёрман ва ҳаяжонданман, — дейди Наргиза Содикова. — Бу мукофот нафақат менга, балки севимли касбдошларимга, устозларимга берилган мукофотдир. Ўз касбимни жуда севаман ва хамиша халқимиз хизматида бўламан.

ДИЛОРОМ ИКРОМОВА. СУРАТЛАРДА: «Хамшира — 2000» кўрик-танловининг Тошкент шаҳри бўйича якуний босқичидан лавҳалар. Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

Ал-Мотуридийнинг 1130 йиллиги олдидан

«АЛ-МОТУРИДИЙ — ТЎҚҚИЗ МЎЪЖИЗА»

(Ҳикматли достондан парча)

Умиди дунёда гам чекиб яшар,
Хонада ҳукмрон оғир сукунат,
Охири онаси топиб бир журъат,
Эрига айтмади эътироз қалом,
Қарор қатъий эди ҳамда гап тамом.
Наризи хонада ўғил бошитоб,
Ўқирди қандайдир мароқли китоб.
Отаси чақирди деб: — Абу Мансур,
Эшикдан лашлаб кирди ўғил нур.
Сўзлашиб олайлик фурсат эрур танг,
Ўғил манзилдан эди ҳангу манг.
Бу пайтсизча уни отаси чорлаб,
Сўзлашмаган бу хил ҳам эътиборлаб.
Ассалом, падали бузруквор, лаббай!
Ултиринг толиқиб қолибсиз бай-бай!
Азондан шомгача олмайн ором,
Ўғил-ўртанмоқлик не боис ноком?
Без онанг иккимиз қилиб маслаҳат,
Сени ўқитмоқчи айладик ният.
Бегона шаҳарда бўлиб мусофир,
Мушкулот чекишиг бизга ҳам оғир.
Бор эди Бағдодда ўқш орзуинг,
Ўки Моҳизар-ла бўлсини тўйинг?
Илк севиғишимизга гўрадиб, ўғлим,
Ундан муродига етмаган ҳеч ким!
Уйлансанг яхши бир одам бўласан,
Илм олсанг соҳибни олам бўласан.
Ўғлим, нима десанг сенда ихтиёр,
Узганим айт қандай орзу-ўйинг бор?
Отаси сўзидан уйғониб гурур,
Шу хил жавоб айтди сўнг Абу Мансур:
— Онажон, сиз олманг ҳариз ҳавотир,
Дезайлар кўз кўрқок, лекин кўл ботир.
Буни яхши билгай дадамлар деҳқон,
Далада чопани пайтида кетмон,
Ўй сураб, тугайди бу чопиқ қачон,
Шиддат-ла ишласа, ўтмай кўп замон,
Ўқинса бўлади замин муҳайё,
Ҳаракат қилсанг беради Худо!
Охири дилимга Ҳақ солмиш ниёз,
Бўлмас қаршилик, ёки эътироз.
Мен учун тахсилдир ягона орзу,
Ундан бошқа йўқдир дилимда қайгу.
Моҳизар гўзал қиз ҳам қаламқошлик,
Уйланши учун мен қилурман ёшлик.
Бошим омон бўлса топлагай кулоҳ,
Риндлар иши севиғи, шаробу оҳ-воҳ!
Мен учун дунёда орзу мурад,
Илм олсам бориб хушхаво Бағдод.
Отаси деди сўнг: — Бўлади гап тамом,
Йўлга ҳозирлик кўр, бориб ола ором.
Бру дўстларинг-ла хушлаш, дуо ола,
Ишоолоҳ, йўлингда ёруғ истиқбол.
Ўғил отасининг эшитиб сасин,
Кўриб онасининг мунгли чехрасин.
Қалаби эзландай бўдию бироз,
Валеким ўзини тутди сарафроз.
Буюк бир саодат бўлгандир насиб,
Ўзга ўлкаларда бўлса ҳам фариб.
Шукрки муродга етишгум охир,
Шу қизча уйланса гар Абу Мансур,
Буюк уламолар таълимни олиб,
Бўлсам донишжўйдек сидқ ила толиб.

Йўлимда дуч келиб минг бир мушкулот,
Сирини очгайдир Ҳақ, илоҳиёт.
Мантиқ, риъзиёт, илми исломда,
Машхур олим бўлсам Бағдоду Шомда.
Номим ер юзида бўлса аржуманд,
Мен кимман, фарзанди шахри Самарқанд.
Дилимда орзулар очганда япроқ,
Вале илк севидан қолгайдир бир доғ.
Мени тинч кўймагай то рўзи Маҳшар,
Ишиқинги олови гўзал Моҳизар.
Балки бу оташда ўртаниб ёниб,
Сенга етолмасман гулим инониб.
Бағдодда мусофир юрганларим чоқ,
Мени эслайсанми гўзал гўлбоқ!
Қисмат бирни берса бирини олгай,
Хотирамда ўтли нигоҳинг қолгай.
Муҳаббат дегани бир дарду боло,
— Лайлию Мажнунин айлаб муволао.
Ўзгаларга ибрат этдимми ё Рабб?
Сен-чи сунбула янглиг сочларинг тараб,
Мени хаёлингга олмасдан бир бор,
Кимгадир термулиб боқсан хумор.
Бадиби уй-ғумондан ҳазар, ал-ҳазар,
Сенга етарманми, ё йўқ Моҳизар?
Шундоқ ўз ўйида этиб тафаккур,
Ўзиборда эди бас, Абу Мансур.
Моҳизар ботинан очилмаган гула,
Этарди ўзинча шундоғ тахайюла:
— Бечора хотинлар юраги доғлик,
Эркалар ҳар жойда қилар вақтчоғлик.
Дилимга ўт солиб ул Абу Мансур,
Аллоҳим не сабаб бахш этмас хузур?
Уйимга совчилар келмоқда қатор,
Лек одам юбормас мен истаган ёр.
Дил майлига қараб отаю онам,
То букун бўлмақда менинг парвонам.
Қанчалик кутмайин чиқмагай бир сас,
Наҳот ишқ дегани бир эрмак, ҳавас?
Илм денгизидан илаб гаҳар-дур,
Мени унутдимми ё Абу Мансур.
Билмасми, қиз бола кутолмас узок,
Совчилар йўлига кўйганда тузоқ.
Ё зору ё зару зўр билан олар,
Ҳийла-найранг деган тўр билан олар.
Оснолар шохи ҳам энди йўқ имодод,
Мен бирла элмоқчи уйини обод.
Ҳойибона бўлиб хуснига мафтун,
Совчилар юбормиш хатто тунюв кун.
Абу Мансур кезиб юлдузга оқимон,
Моҳизар томонга гоҳ кому ноком,
Аста қадам ташлаб борар кўнгли бун,
Видолашса ёки қилса Ҳайру хун!
Бағдоддан қайтгунча агар кутса саз,
Бўлмаса билади ўзи сарвино!
Аҳдашиб ваёдага ё қилмак вафо,
Розилик тилаб ё дегай аливо!
Ким бахтдан юзини ўзирган қачон?
Билиб саодатин ким этгай қурбон?
Ноллож қолганда доимо одам,
Иккидан бирини таллаб чекар гам!
Шу қизча уйланса гар Абу Мансур,
Илм чўққисига етмасди мансур.

Олимжон БҮРИЕВ.

ШАРҚ ДУРДОНАЛАРИ

ОЗ-ОЗ УЎТГАНИҚ ДОМО БУЛАҲ..

• Бир вақтда бир тўда дарвешлар билан бир шаҳарга етиб келдик ва шаҳарда зулмор золимлар борлигини билдик. Бир-биримизга дедик: «Бу ерда туришга ният ва яшашга ҳаракат қилмайликки, зулм сабабидан диёр хор, золим эса, ўтда куйишга сазовордир. Агар бирор тоифа устига бало ёғилса, катта-ю кичика баробар таъсир қилади».

Байт:

Бир диёрга тушса, офат ва бало,
Ҳалок бўлар катта-кичик безумон.
Бир далага тушса ёнгишу олов,
Бирдек куяр ҳўлу қуруқ ўша он!

У диёрдан кетишга қарор қилгач бошқа мамлакат сари йўл олдик. Бир неча киши икки хуржун олтин билан бизга йўлда ҳамроҳ бўлдилар. Бундан хабар тогган ўғрилар тоифаси изимиздан кела бошлади. Зулмор золим эса ўғрилар бизни қатл этиб, молимизни тортиб олишгач, уларни тутиб, ўзларини ўлдириб, таланган молни ўз хазинасига олиш мақсадида ўғри, киссавулар орқасидан лашкар юборди.

Қитъа:

Молдор билан дарвеш сафарини,
Мумкин эмас бирга саҳрода.
Бойдан эиён кўрганни етмай,
Ўғрилдан қолгай жафода.

Дам олишга тушганимизда одамлар овқат ейишга машғул бўлдилар. Дўстлардан бири менга деди: «Шу яқин атрофда ов қиладиган чашма бор, ёнимизда эса камон. Агар сенга маъқул келиб, ўзинга лозим кўрсанг, ўша жойга борайлик. Эҳтимол биронта ов домга тушиб қолар!».. У ерда бориб пана жойга беқимдик. Ногоҳ бир жойдан ит овози эшитилди. Мен шерикларимга: «Туринглар, ит овози келяпти. Демак ўғрилар орқамиздан пойлаб юрипти, бориб карвонга хабар берайлик!» дедим. Карвонга бориб уларга воқеа хусусида баён этдик, ҳамма ўрнидан турди, қанча зийраклик билан қидирмайлди, ўғрилари топа олмадик ва бирор фалокат рўй бермасидан шошиб йўлга тушдик... Кечкурундан то тонг отгунга қадар йўл юрдик ва бир манзилга етиб бордик. Икки эшагимиздан бири ўлиб, бири қолди. Ногоҳ ўнг тарафга боқиб, қирқта девсифат қароқчинни кўрдик, ҳар бири тун мисоли даҳшатли, қўлидаги тилғари эса, нур каби ўткир ва шиддатли эди. Бу бадбахларнинг ҳар бири момақалдиқоқ каби гумбирлаб бақириб-нақирарди, қўлларидида тиги эса, чақмоқ каби шуъла сочиб ярқирарди. Улар бизга яқинлашган вақтда ҳаммамиз қалъа тепасига чиқиб яшириндик. Бир кун қалъа остида пойлаб ўтирдилар. Охири ўринларидан туриб, жунаб кетдилар. Эшитишимизча, улар ўзларига топшириқ берган зулмор золимнинг олдидиларига қайтиб боришгач, топшириқ берган кимса билан ораларида жанг юз берипти ва икки томондан кўп киши ўлиб, дўзахга равона бўпти!

• Бир ҳақим деди: «Қадимий ҳикматларда айтиладики, инсон ўз тузилиши хосияти билан ҳайвонлардан афзал бўлади. Унга бир оғизу, икки қулоқ ҳада этилди. Шунинг учун у доимо ҳар бир нарсани ақл билан бир бор сўзламоғи, тақрор ва тақрор эшитмоғи даркор».

Байт:

Қанча кўп билсанг ҳам оз гапир, бирок,
Битгани юз дема, юзин битта қил.

• **ҲИКОЯТ:** Бир табибдан: — Киши овқатга ўтирганда қанча ейиши керак? — деб сўрадилар.

Табиб:

— Юз дирҳам! — деб жавоб берди.
— Бунчалик оз овқатдан қанча ҳам куч ҳосил бўларди! — дейишди.

Табиб уларга:

— Ундан саломатлик учун етарли тоза куч ҳосил бўлади. Ундан ортиқчаси фойдасиз бўлиб, фақат ҳаммоллик вазифасининга бажаришинг мумкин! — деди.

Мойдан чироқ учун равшанлик ёрдиб,
Аймо баған мойдан ўчмоғи бордиб.
Қорин тўйдирмоқнинг бўлсанг бандаси,
Жаҳонда чарх уриб, доимо хорсан!
Кўп емоқни ўзинга одам,
Соғлиқ юзин кўрмай доим берсан!
Мақол: оз е, кўп яшасан!

Ҳикоят:
Уз ҳақимки, ҳикмат дурини сочини,
Оз е, кўп яшасан, дея сўз очди!

• Емоқ яшаш учундир, яшаш эса емоқ ва ўзини гафлатга солиш учун эмас.

Маъжиддин ХАВОФИЙ.
Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.

— Болам, автобусинг «Нуронийлар» оромгоҳига борадими?
— Боради. Чикақолинг, — дея жавоб берди ҳайдовчи.

Дарҳақиқат, Юнусобод даҳасининг 19-мавзесида жойлашган «Нуронийлар» оромгоҳи пойтахтимизда истикомат қилаётган меҳнат фахрийларига ногиронлар дам оладиган файзли масканга айланган. Истиклолнинг дастлабки йилларидаёқ курилиши ниҳоясига етган мазкур иншоот Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар ижтимоий таъминот бошқармасининг ташаббуси билан кексалар, ногиронлар дам оладиган оромгоҳга айлантирилди.

— Ҳозирча республикамизда ягона бўлган ушбу оромгоҳимиз, — дейди биз билан сўхбатда шу маскан раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди Лола Йўлдошева, — бир вақтнинг ўзида 212 нафар қаринани қабул қилишга мўлжалланган. Бу ерда дам олишга келганлар 18 кун давомида тиббиёт ходимлари назоратида бўлиб физиотерапия муолажалари ердимида ҳам даволанади, ҳам дам олишади.

Этиборли жиҳати шундаки, оромгоҳда дам олишни хоҳловчилар сони йилдан-йилга кўпайиб бораётгани — бу кексалар кўнглидаги иш бўлди.

Бундан ташқари пойтахтимиз туманлари ҳокимликларининг ташаббуси билан ҳар бир туманда яққа-ёлғиз қариялар дам олишга мўлжалланган «Меҳр-мурувват марказ-ярагининг ташкил этилаётганлиги саховатга ташна қалб эгалари бўлиш қарияларга, меҳрга муҳтож ногиронларга қўрсатилмаган беқийс ғамхўрлик фидосидир.

Ушбу мақола сабаб бундан икки йил муқаддам пойтахтимиз Тошкентда бўлиб ўтган «Ногиронларнинг тиббий, касбий, ижтимоий реабилитацияси» мавзусидаги халқаро симпозиум ёдимга тушди.

Маълумки, жонжон диёримиз аҳолисининг ёрдамга муҳтож табақаси бўлиш ногиронлар, яққа-ёлғиз қарияларни бозор иқтисодиётининг мураккаб ўтиш давридан олиб чиқиш, бир сўз билан айтганда чуқур ўйланган ижтимоий ҳимояни амалга ошириш ҳукуматимизнинг бош мақсади эканлиги истиклолнинг биринчи кунлариданоқ жаҳон афрок оммасига маълум бўлиб қолди. Шу боис ҳам республикамизда ижтимоий тизим, айниқса реабилитация соҳасида амалга ошадиган салмоқли вазифалар билан танишмоқ мақсадида АҚШ, Франция,

Германия, Буюк Британия, Голландия каби ривожланган 33 та мамлакатларнинг ижтимоий таъминот соҳасидаги раҳбарлари, етук мутахассислари, бош экспертлари, тиббиёт ходимлари уч кун давомида диёримизда янги ташкил этилаётган реабилитация марказлари, Тиббий Меҳнат Экспертиза хизмати ходимларининг ишлари билан танишдилар ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларга жуда катта баҳо бердилар. Ушунда жаҳонга донги кетган эксперт, жаноб доктор Харрари шундай деган эди:

— Аслида эндигина мустақил бўлган ёш давлатда ижтимоий ҳимояга, ногиронликнинг

файли, ички-ташқи низолар, урушлар оқибатида минглаб одамлар, болалар, аёллар, кексалар бошланасиз қолиб, оч-наҳор яшамоқдалар ва ногиронликка мубтало бўлмоқдалар. Ҳа, қўлаб давлатларда бугунгидек Ўзбекистон сингари ногиронликка қарши курашишни эмас, аксинча давлат раҳбарлари тинчлик-барқарорликка эришиши йўлларини изламоқдалар. Шундай экан, тинчликнинг, барқарорликнинг қадрига етинг. Зеро осейишталик ҳукм сураган ерда барча эзгу ниятлар амалга ошди, бажарилиши мўлжалланган ислохотлар бесама қетмайд.

Дарҳақиқат, хорижлик меҳмон сўзлари ал-

Ижтимоий ҳимоя

ТАҲСИНГА САЗОВОР

олдини олишга шунчалик эътибор берилишини кутмаган эдим. Лекин Ўзбекистонда янги соҳа бўлиш реабилитацияни ривожлантиришга, ногиронлар сонини камайтиришга, соғлом баркамол инсонлар кўпайишига ҳаракат қилинаётган экан, албатта бу мамлакатнинг келажаги буюк бўлади.

Анжуманда қатнашган Тожикистон ва Қирғизистон Республикалар Ижтимоий таъминот вазирларининг эътирофи бу фикрга далилдир. Бинобарин, қўшни давлатлар вазирилари муҳбирларга берган интервьюларида Ўзбекистон ижтимоий тизимини тақомиллаштириш борасида Марказий Осиё республикаларидан, хатто Ҳамдўстлик давлатларининг жуда кўпчилигидан анча илгарилар кетганини, Тожикистонда ёки Қирғизистонда реабилитация жараёни ҳақида уйлашга шу вақтгача имкон бўлмаганини очик-ойдин гапирган эдилар.

Яна анжуманда қатнашган экспертлардан бирининг куйидаги сўзлари бизни энг улуг, энг азиз неъмат бўлиш истиклолнинг аҳамиятини теран ва чуқур ҳис этишга чақиради. — Ҳурматли симпозиум қатнашчилари, — дея сўз бошлаганида ушунда хорижлик меҳмон, — ҳеч биримизга сир эмаски, жаҳоннинг кўпгина давлатларида беқарорлик ту-

лақачон ўзи исботини топди. Мисол учун ўтган йили ўзи ердимида муҳтож бўла туриб ногирон аёлларга мадад бўлган хамшаҳримиз Зухра Раҳматуллаева «Азизим» шўба корхонасини ташкил этиб 20 нафар меҳрга ташна қалб эгаларини иш билан таъминлаганини меҳр самараси, яъни тикувчиликка иктисослашган «Азизим» корхонаси хизматчилари ўзларининг нималарга қодир эканликларини исботлашлариға имкон тугилди. Буни қарангки, икки ой ичидеяёқ «Азизим» тикувчилари буюртмаларни ўз вақтида бажариб 2,5 миллион сўм соф фойда олишди. Ушбу муваффақиятдан руҳланган Зухра она яна бир савобли ишни бошлади. Энди унинг ташаббуси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Ногиронлар жамияти, Фидокорлар Миллий демократик партияси, Яққасарой тумани ҳокимликларининг ёрдамлари туфайли ногирон болаларни ҳам даволайдиган, ҳам расомлик-ҳайкалтарошлик санъати сирларини ўргатадиган «Азизим» маънавият соғломлаштириш маркази иш бошлади. Марказнинг раҳбари Зухра Раҳматуллаева билан сўхбатлашганимизда у бизга шундай деди:

— Ногиронлик боқимандалик эмас. Илгари эса бу тоифа инсонларни иш билан таъминлаш у ёқда турсин, ҳатто назар-писанд

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ.



Кокилларингдан ўргилай.



Юртимиз азалдан полвонлар мамлақати ҳисобланади. Она заминимиздан доврғи оламни тутган Қоратой, Сапалак, Аҳмад, Тўланбой полвон каби кураги ерга тегмаган паҳлавонлар етишиб чиққан. Хатто Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий каби буюк ўтмишдошларимизнинг асарларида ҳам кучли полвонларнинг беллашувлари тўғрисида ҳикоя қилинади. кураш айрим усулларининг тафсилотлари келтирилади.

Шу сабабдан замонавий эркин ва юнон-рум курашлари ҳам айниқса ёшлар ўртасида жуда оммабоп эканлиги тасдиқий ҳол эмас. Бинобарин, юнон-рум кураши бўйича жaxon ва олимпиада чемпиони Рустам Казоков, жaxon чемпионатлари совриндори Комил Фаткуллин, эркин кураш бўйича жaxon ва олимпиада чемпиони Арсен Фадзаев, ака-ука Асланбек ва Махарбек Хадарцевларнинг шонли аънаналари ҳозирги кунда бир гуруҳ иқтидорли курашчиларимиз томонидан муносиб давом эттирилмоқда. Айниқса, юртимиз Мустақилликка юз тутганидан сўнг шаҳримизда аънанавий тарзда ўтказилиб келинаётган «Мустақиллик Кубоклари» эркин ва юнон-рум кураши усталари маҳоратларининг ўсишида муҳим омил бўлмоқда. Қувонарли томони шундаки, олимпиадага саралаш турнирлари ўтказилган ўтган йилда курашчиларимиз нуфузли галабалари билан ишқибоз ва мутахассисларни яна бир қарра шод этишди. Хусусан, Осиё чемпионатига тўрт олтин, иккитадан кумуш ва бронза нишонларининг соҳиби бўлган ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Туркиянинг Анкара шаҳрида ўтказилган жaxon чемпионатига Аҳтам Очилов иккинчи, Дамир Захартидинов ва Рамил Исломовлар учинчи ўринлари эгаллаган ҳолда олимпиадада катнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Шуни мамнуният билан қайд этамизки, Сиднейда ўтадиган ёзи олимпиада ўйинларига қизгин тайёргарлик қўраётган юртимиз спортчилари орасида эркин ва юнон-рум кураши усталари таркибининг катталиги жиҳатидан ҳам (асримизнинг сўнги энг нуфузли спорт мусобақаларида ўн битта курашчимиз катнашди), совриндорлар орасидан ўрин олишга имкониятлари юқоридаги жиҳатидан ҳам олдинги ўринларни эгаллайди.

Бизнинг Ўзбекистон спорт курашлари ассоциациясининг президенти, педагогика фанлари доктори, Республикада хизмат кўрсатган мураббий Аҳол Рўзиев билан суҳбатимиз ҳам курашчиларимизнинг олимпиадага тайёргарлиги ҳусусида бўлди:

— Аҳол Аҳмедович, спортда «Пухта тайёргарлик — муваффақиятлар омили» деган ибора бор. Ҳақиқи равишда ўн бир спортчимиз Сиднейда юртимиз шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқини қўлга киритган экан, айтинчи, олимпиадага тайёргарлик ишлари қандай кечмоқда?

— Маълумки, 1999-2000 йиллари халқаро кураш федерацияси — FILA томонидан белгиланган бештадан йирик мусобақалар натижаларига қўра олимпиадада катнашувчи энг кучли курашчилар саралаб олинган эди. Курашчиларимиз бу йили «Ўзбекистон мустақиллиги» Кубоги, Жанубий Корея ва Хитойда бўлиб ўтган Осиё чемпионатлари, Туркиядаги мусобақаларда иштирок этишди.


Олимпиадага охириги тайёргарлик босқичи эса қуйидагича кечди. Эркин кураш бўйича Махачқалъада 2-5 июнда ўтказилган мусобақаларда 69 килограммгача вазнда Игорь Купеев, 76 килограммгача вазнда эса Руслан Хинчаговлар голиб чиқиб, беш совринларни қўлга киритишди.

Кейин олимпиадага йўланма олган барча эркин курашчиларимиз июль ойи охирида Россиянинг Красноярск шаҳрида Россия, Украина, Беларусь, Греция, Германия полвонлари билан бирга ўқув-машқ йиғинларини ўтказишди, XX асрнинг энг кучли курашчиларидан бири бўлган Иван Яригин хотира турнирида иштирок этишди. 30 мамлакат курашчилари орасида Игорь Купеев ва энг оғир вазнда Артур Таймазовлар муносиб катнашиб олтин нишонларни қўлга киритишди.

Мавзудан бир оз четга чиққан ҳолда бўлса-да, шуни ҳам таъкидлаб ўтиш ўринлики, биз ўринбосарларни тайёрлашга ҳам муҳим эътибор қаратмоқдамиз. Хусусан, Франциянинг Нант шаҳрида эркин ва юнон-рум кураши бўйича ёшлар ўртасида яқинда яқунланган жaxon чемпионатига Дилшод Мансуров олтин, Махаммадмур Мамаминов кумуш, Юрий Витт эса бронза нишонларини қўлга киритди.

Келаси йили шаҳримизда 17-20 ёшгача

ОЛИМПИДАГА ТАЙЁРГАРЛИК — ЯНГИЧА РУҲДА



бўлган ёшлар ўртасида ўтказиладиган жaxon чемпионатига ҳам тайёргарлиқни амалга оширишмоқдамиз. Шундан келиб чиққан ҳолда Красноярскдаги йиғинларга бир нечта ёшларимизни ҳам жалб этдик.

Юнон-рум кураши усталаримиз эса охириги машғулотларни Дукентда ўтказишди. Кейин эса Подольскда ўтказилган Иван Поддубний хотира мусобақаларида иштирок этишди.

— Курашчиларимизнинг руҳий, жисмоний, техник, тактик тайёргарликлари ҳозирги кунда қай даражада?

— Юнон-рум курашчиларимиз жисмоний, техник, тактик ва руҳий жиҳатдан олимпиадада катнашишга тайёр. Эркин курашчиларимизнинг жисмоний тайёргарлиги билан яна шуғулланишлари талаб этилади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Сиднейдаги олимпиадада жами 90 нафар курашчи ўзаро куч синашадиган бўлса, уларнинг жисмоний ҳолатлари деярли тенг бўлади. Олимпиада-

да фақат руҳий жиҳатдан энг кучли тайёргарликка эга бўлганларгина ютади. Шу сабабдан ушбу олимпиадага биз янгича руҳда, яъни масалага илмий жиҳатдан ёндашган ҳолда руҳий тайёргарликка алоҳида эътибор қаратиб тайёргарлик кўрмоқдамиз.

Ушбу илмий жиҳатдан ёндашув усули европача система ҳисобланиб, йирик мусобақаларда галабалар омилидир. Шу мақсадда биз спортчилар терапсияси, руҳий тайёргарлиги бўйича жуда йирик мутахассис — фазогирларни космосга учиш бўйича тайёрлашда катнашган фан доктори, академик Борис Свевскийни Россиядан таклиф этдик. У ҳозир курашчилар жамоасида руҳий тайёргарлик масалалари билан шуғулланмоқда. Уйлаймизки, бундай тайёргарликнинг натижаси албатта олимпиадада ўзининг меvasини беради. Энг муҳими, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда олимпия ҳаракатини янада ривожлантириш ва мамлакат спортчиларини Сидней шаҳри (Австралия)даги XXVIII

олимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисидаги Фармонидан сўнг бари спортчиларимиз янада руҳланиб, олимпиадага астойдил тайёргарлик кўришмоқда.

— Атлантадаги олимпиадада катнашиш ҳуқуқини қўлгана курашчиларимиз қўлга киритган бўлса-да, бироқ улар муваффақият қозонишолмаган эди. Бу қандай тайёргарлик жараёнида ушбу хатолар тахлил қилиниб, улардан тегишли ҳулосалар чиқарилди?

— Аваламбор, Аҳтам Очилов, Рамил Исломов, Руслан Хинчагов, Дамир Захартидинов, Баҳодир Қурбонов каби курашчиларимиз иккинчи олимпиадада иштирок этишмоқда. Демак, уларнинг тажрибалари ошган, куч-маҳоратлари ўсган. Иккинчидан, биз Сиднейга бориб, у ернинг об-ҳавоси, паст-баландлари билан танишдик. Гарчи Австралия ва Ўзбекистон ўртасида беш соатлик вақт «белбоғи» бўлса-да, сентябрь ойи табиати, ҳавоси бизники билан деярли бир хил эканлигини кузатдик. Спортда бахслар бошланишини кутавериб, руҳий жиҳатдан «синиш» ҳолатлари бўлади. Чунинчи, Атлантадаги олимпиадага мусобақалар бошланишдан йигирма кун олдин боргандек ва бизнинг жамоамизда ҳам шундай ҳодиса рўй берганди. Ўтган олимпиадада россияликларнинг катнашуви ҳам бунини исботлайди. Жумладан, Атлантада Россия юнон-рум курашчилари ўқув-машқ йиғинларини ўтказиб, фақат А. Карелин голиб чиққан, беллашувлар бошланишдан бир кун олдин борган эркин курашчилар эса урта олтин нишонларни қўлга киритганди. Бу гал ушбу хатолардан ҳулоса чиқарган ҳолда олимпиадага вақтли боришнинг фойдаси йўқлигига ишонч ҳосил қилдик.

Сиднейда 22 сентябрда FILAнинг конгресси ўтказилди. 24 сентябрдан юнон-рум, 27 сентябрдан эса эркин кураш бўйича мусобақалар бошланади. Руҳий жиҳатдан «синмаслик» учун ҳар қандай спорт турлари бўйича ҳам мусобақаларга 2-3 кун олдин бориш етарли бўлади, деб ўйлайман ва биз ҳам шунга ҳаракат қиламиз. Уйлаймизки, спортимизнинг мутасаддилари ҳам юқоридаги фактлардан тегишли ҳулоса чиқарадилар.

— Курашчиларимизнинг олимпиададаги имкониятларини қандай баҳолайсиз?

— Албатта, кўраи заминнинг энг нуфузли спорт мусобақалари ҳисобланмиш олимпиадаларда галаба қозониш осон иш эмас. АҚШ, Эрон, Россия, Украина, Болгария каби давлатларнинг курашчилари азалдан кучли ҳисобланади. Жарахатлар, йўқотишлар бўлса, эркин курашда Аҳтам Очилов, Рамил Исломов, Дамир Захартидинов, Руслан Хинчагов, юнон-рум курашида Дилшод Орипов, Баҳодир Қурбоновларнинг юқори ўринлари эгаллашлари учун барча имкониятлар етарли. Уйлайманки, пухта тайёргарлик кўрган курашчиларимиз бу гал олимпиададан албатта нишонлар билан қайтишди.

— Олимпиада гиламларида курашчиларимиз юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишлариға тилақдошимиз. Дилшод ИСРОИЛОВ суҳбатлашди.

Биласизми? ПАЛОВ СЎЗИНИНГ МАЪНОСИ

Палов ош қадимдан ўзбекларнинг севимли таоми бўлган. Ривоятларда айтилишича, палов ошини Шайх-ур-раис Абу Али ибн Сино беморларни даволаш учун тайёрлаган экан.

«Палов ош» сўзи таомни тайёрлашда ишлатиладиган мева ва сабзавотлар номининг бош ҳарфидан олинган экан. Пиёз аёз (сабзи), лаҳм (гўшт), олиё (ёғ), вет (туз), об (сув), шולי (гуруч).

Бу ўринда яна шуни айтиб ўтиш керакки, буюк аллома инсон саломатлигини яхши сақлашда энг асосий ўринни овқатланиш тартиби эгаллашини ўқитиб — «овқатларнинг истеъмоллари тартиб бор, соғлигини сақламоқчи бўлган киши ўша тартибга риоя қиломоғи керак. Суяк, тез ҳазм бўлувчи овқатни ундан кучли ва қаттиқроқ овқат устига ейишдан сақланиш лозим. Ақс ҳолда кейинги овқат аввалгисининг юзига чиқиб ҳазм бўлади, аввалги овқат йўлини тўсиб, ўтар йўл қолмагач, кейингиси бузилади, аралашган таомни ҳам бузади» дейди.

ОЛМАНИНГ ФОЙДАСИ

Агар бир олмани ейишга ўрта ҳисобда ўн минут вақт сарфланса, унинг пўсти ва «гўшти»даги органик кислоталар ва пектин моддалари оғиз бўшлиғида яшайдиган микробларнинг 90 фоизини ўлдирар экан. Бордию, киши чайнаган олмани бир соат оғзида олиб турса, оғзидати барча микроблар ҳалок бўлар экан.

ГУЛОРОМ тайёрлади.

ШЎР СУВДАН ВИНО ЯРАТИШ

Негев виночилари «Кабрне Савиньон», «Шардоне», «Мерло» ва бошқа виноларни тайёрлаш учун ҳосил йиғиладиган узумзорларни сугориш учун Негевдаги ер ости шўр сувдан фойдаланадилар.

Ушбу мақсадда шўр сувдан фойдаланиш технологияси Яқудийлар университетининг қишлоқ ҳўжалик факультети тадқиқотчилари томонидан ишлаб чиқилган.

Бу винолар ҳозирча кичик ҳажмларда Биньяминда истикомат қилувчи Тишба оиласи томонидан «Негев винолари» маркази остида ишлаб чиқарилмоқда. Истеъмолчилар орасида Негев виноларига қизиқиш ортishi билан ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш

ҳам режалаштирилмоқда. Яқудий университетлик Бен-Ами Бравдонинг журналистларга Исроилнинг иссиқ худудларида виночилик билан шуғулланиш ҳозирги кунга қадар мўмкин бўлмаганлигини тушунтирди: Юқори ҳарорат оқибатида узум ачитқисидан хушбўй компонентлар тез парланиб кетади. Бравдо бошчилигидаги гуруҳ ушбу муаммони ечишга ёрдам берадиган энзимларни ишлаб чиқди. Бравдонинг сўзларига қараганда, кўпгина фермерлар Сде-Бокер ва Мицпе-Рамон қибуҳлари оралиғидаги катта плантацияларда янги технологиядан фойдаланган ҳолда узум етиштиришни режалаштирмоқдалар.

Маслаҳатлар МАЙИЗ

Майиз жигар ва мёзданинг дўстидир. Наҳорга майиз ейиш жуда фойдалидир. Семиришининг энг оддий йўли кунига 10 дондан майиз истеъмол қилиб, уни 1 ёки 2 дондан 40 кун мобайнида ошириб бориш керак. Ундан қуюқ қон ҳосил бўлиб, жисмонан куч-қувватингиз яхшиланади. Хамир овқат ҳам семиртиради.

ЁНҒОҚ

Ёнғоқ мағзида 45 дан 77 фоизгача ёғ моддаси, 8 дан 18 гача азот моддаси, 2 дан 7 фоизгача клетчатка ва бошқа моддалар бор. Ёнғоқ мағзида жуда фойдали моддалар кўп бўлиб, ҳар хил касалликларга даво бўлади. Ёнғоқ мағзини 5-10 кун давомида наҳорга ейилса, бел оғриғи, ички аъзоларнинг буралиб оғриғи ва бош оғриғига даво бўлади. Майиз билан ёнғоқ қўшиб истеъмол қилинса, жуда яхши фойда беради.

Дилдора СОДИКОВА.

Газ ҳисоблагичлари (ўлчов асбоблари)дан фойдаланувчи Тошкент шаҳар абонентлари ДИҚҚАТИГА!

«Тошгаз» шаҳар бошқармаси фойдаланилган табиий газ ҳақини тўғри ҳисоблаш мақсадида ҳисоблагичлар (ўлчов асбоблари)га эга абонентлар (мижозлар учун) 1 м³ газ учун 2,70 сўм миқдорда тўлов хабарномасини тўлдириш намунасини маълум қилади.

Билдириш хати	Тошкент шаҳрини газлаштириш ва газ билан таъминлаш бошқармаси «Тошгаз» P/c 2021000900126952001 ОПЕРУ ГА УЗЖИЛСБЕРБАНКА МФО 00419		
	Юсупов Эркин Юсупович		
	Иsmишиарифи, отасининг исми		
	Абдурахманова, 25		
	Манзил		
	04005002		
	Истеъмолчининг ҳисоб рақами		
Тўлов тури	Газ ҳисоблагич курсаткичи	Қайси ой учун	Сум
Табиий газ	Айни вақтдаги курсаткич	2500	05.08.2000
	Олдинги тўлаш курсаткич	1000	04.07.2000
Тафовут фарқи (метр. Куб.)	1500 x 2,7 = 4050		4050
Тўловчи имзоси	Пеняси		
Газначи	Ҳажми		4050

Имтиёздан фойдаланувчи абонент (мижоз)лар учун имтиёз миқдорини ҳисоблаш ҳонадонда яшовчилар сони, газ асбоблари сони ҳамда ёзги, қишки ёки мавсумга қараб белгиланади.

Мисол: Қишки (XI дан IV гача) имтиёзлилар оиласи — 5 кишидан иборат. Ҳисоблагичнинг курсаткичидаги тафовут 1/ XI дан 1/ XII гача 1000 м³ ни ташкил этади. Газ плитаси — 1 дона, сув иситиш колонкаси — 1 дона, ҳақ тўлаш бўйича имтиёз 50% белгиланган. Қишки мавсумда имтиёзли тариф бўйича 737,1 м³ газ миқдорига ҳақ тўланади, шу жумладан:

- 622,1 м³ газ
- 5 та одам x 12,5 м³ = 62,5 м³ газ
- 5 та одам x 10,5 м³ = 52,5 м³ газ

Бир ойлик газ ҳақини тўлаш миқдори 1704,92 сўмни ташкил этади. Шу жумладан имтиёзли тариф бўйича 737,1 м³ x 2,70 x 0,5 = 995,09 сўм.

тўлиқ тариф бўйича (1000 + 737,1 = 262,9 м³) 262,9 м³ x 2,70 = 709,83 сўм

Ёзги мавсум даврида ҳисоблаш ҳоналарини иситишсиз, яъни сув иситиш колонкаси ва овқат тайёрлаш учунгина:

- 5 та одам x 12,5 м³ = 62,5 м³ газ
- 5 та одам x 10,5 м³ = 52,5 м³ газ

Ёзги мавсум даврида 62,5 м³ + 52,5 м³ = 115 м³ 115 м³ x 2,70 x 0,5 = 155,25 сўм.

ФИРМАЛАР, ҚЎШМА КОРХОНАЛАР, МУЛҚЧИЛИКНИНГ БАРЧА ШАКЛЛАРИГА ТААЛЛУҚЛИ БЎЛГАН ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАЎБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Кичик ва ўрта бизнесни янада ривожлантириш мақсадида «Ўзтемирўл» йўловчилар ташиш давлат корхонаси ўз ичига йўловчилар ташиш ва юк ташиш вагонларини олувчи йўловчилар тижорат поездларини МДХ давлатларининг ҳар қандай йўналишларига ташкил этиш борасида ҳамкорликни таклиф қилади.

Биз Сизларнинг таклифларингизни кўриб чиқиш ва ўзаро манфаатли шартномаларни тузишга тайёرمиз. Телефонларимиз: 136-46-35, 136-46-36, 136-44-28. «Ўзтемирўл» Давлат корхонаси маъмурияти.

«ЎЗТЕМИРЎЛ» ЙЎЛОВЧИЛАРНИ ТАШИШ ДАВЛАТ КОРХОНАСИ ТАНЛОВ АСОСИДА

23 ёшдан 35 ёшгача бўлган жозибали қиёфага эга, рус, ўзбек ва инглиз тилларини биладиган ёш аёлларни халқаро ва сайёҳлик поездлари кузатувчилари курсларига ТАКЛИФ ЭТАДИ. Таълим бепул тарзда берилади. Машғулотлар гуруҳларнинг тузилишига қараб шу йилнинг август ойидан бошланади. Қабул чекланган. Маълумотлар учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилинг: 136-48-45, 59-69-86. «Ўзтемирўл» Давлат корхонаси маъмурияти.



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
Қўзғо бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мўмкин.
Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» наشريёт-матбаа концерни босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.